

Навоий шахри

«03» февраль 2022 йил

«Навоий Дори-Дармон» акциядорлик жамияти, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритиладиган, номидан Устав асосида иш кўрувчи, бошқарув раиси Г.Р. Орзиев. бир томондан ва Навоий вилоят Фтизиатрия ва Пульмоналогия маркази
(Ташиқлот, муассаса, корхона, фирманинг ташиқлотий -хуқуқий тузилиши ва тулик, номи)

бундан буён матнда «Сотиб олувчи» деб аталувчи, номидан Уставга (низом) асосан фаолият кўрсатувчи

Директор А.Х. Муҳаммадиев иккинчи томондан
(Раҳбарнинг лавозими ва вазифа-шарифи, насаби)

кўйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» «Сотиб олувчи»нинг буюртмаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида"ги ПК-3953-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда 15.11.2019 й. тасдиқланган "Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмлар" Руйхатига асосан дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмларни етказиб беришни, «Сотиб олувчи» эса уларни қабул қилиб олиш ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Шартноманинг умумий баҳоси 886184,25 (саккиз юз саксон олти миля бир юз саксон тўрт) сўм 85.700.000
(рақамлар ва сўз билан шартнома баҳоси кўрсатилиши лозим)

этиб белгиланади, бу суммага транспорт харажатлари кирмайди.

2. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ. МАХСУЛОТ СИФАТИ

2.1. «Сотиб олувчи»га Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка ва ўрамлари фармацевтик ва техник талабларига жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга бўлган дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмларни, бундан кейин матнда «Товарлар» деб номланади, етказиб беради.

2.2. Товарлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида тузилган Спецификация асосида сотилади, ушбу Спецификация шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

2.3. Товарлар, тарафларнинг оғзаки келишувига кўра «Сотувчи» нинг транспортида «Сотиб олувчи»нинг манзилига етказиб берилиши ҳам мумкин.

2.4. «Сотиб олувчи» «Сотувчи» га етказиб берилган Товарлар ҳақини ўз вақтида тўлайди.

3. МАХСУЛОТНИ ЖЎНАТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. «Сотиб олувчи» шартноманинг умумий баҳоси ёки бир ойлик буюртма баҳосининг 30 % туловини олдиндан тўлаб берган кундан бошлаб 5 (беш) иш кунда «Сотиб олувчи»га Товарларни беради.

3.2. Товарларни етказиб бериш «Сотувчи» омборидан «Сотиб олувчи»га топшириш йўли билан амалга оширилади. Товарларни топшириш санаси этиб ҳисоб-фактура (накладной)нинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ва имзоланган санаси ҳисобланади.

3.3. «Сотиб олувчи» Товарларни ўз транспортида олиб кетади. Товарларни юклаш ва жўнатиш билан боғлиқ барча харажатлар «Сотиб олувчи»нинг зиммасига юкатилади.

3.4. «Сотиб олувчи» гиёҳванд воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сотиб олишда уларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолият учун олинган тегишли маҳсус рухсатномалари (лицензия нусхаси ва ички ишлар органининг маҳсус рухсатномаси)ни тақдим этиши шарт. Иш жараёнида, заруриятдан келиб чиққан ҳолда, тарафларнинг оғзаки келишувига кўра мазкур тоифадаги Товарлар «Сотувчи» нинг транспортида «Сотиб олувчи»нинг манзилига етказиб берилиши ҳам мумкин.

4. ХИСОБ – КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. «Сотиб олувчи» шартноманинг умумий баҳоси ёки Товарларни бир ойлик буюртма баҳосидан 30 % олдиндан тўлагандан сўнг «Сотувчи» томонидан товарлар берилиши, қолган 70 % суммани «Сотиб олувчи» товарлар олган санадан бошлаб, олган ойининг охиригача санасига қадар тўлаб бериши шарт.

4.2. Ушбу шартнома асосида тўловлар «Сотиб олувчи» томонидан «Сотувчи»нинг банкдаги хисоб рақамига пул кўчириш орқали амалга оширилади.

5. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Мазкур шартномани бажармаганлик ва (ёки) лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди, ҳамда ЎзР «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунининг 25-32 моддалари, ЎзР Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 176-1, 212 –моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари кулланилади.

5.2. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилганлиги учун «Сотувчи» кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдориди, бироқ етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда, пеня тулайди

5.3. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаган тақдирда «Сотиб олувчи» ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.4. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6. ФОРС – МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

6.1. Фавкулотда тусдаги ҳолатлар ҳамда енгиб бўлмайдиган куч натижаси туфайли тарафларда ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш имконияти бўлмаса, улар жавобгарликдан озод этиладилар.

7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган барча низолар тарафларнинг келишуви билан хал қилинади.

7.2. Тарафларнинг келишуви билан хал қилиб бўлмайдиган низолар Кармана туманлараро иқтисодий суд орқали хал қилинади.

7.3. Ушбу шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда шартнома тарафлар розилиги билан бекор қилиниши мумкин.

8. УМУМИЙ ХОЛАТЛАР

8.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб ғазначилик бошқармасида (бўлинмасида) рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 31 декабрь 2022 йилга қадар амал қилади.

8.2. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар ёзма равишда тарафлар томонидан тузилиб, имзоланиб ғазначилик бошқармасида (бўлинмасида) рўйхатдан ўтгандан сўнг юридик кучга эга бўлади.

8.3. Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан қолган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида хал этилади.

8.4. Мазкур шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб, икки нусхада давлат тилида тузилган.

9. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

«Навоий Дори-Дармон» АЖ, 210100,
Навоий шаҳри, Навоий к-си 65,
х/р 20208000000306028001
ТИФ Миллий Банк Навоий бўлими,
МФО 00196, СТИР 200 000034
ОКЭД 46460 тел. 0(436)224-54-51, 224-27-36

М.У. _____

Ижрочи: _____

юрисп _____

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

Манзили Навоий шаҳри, Навоий к-си 65
х/р 10002186012407073201054000
банк Миллий Банк Тошкент МФО 00014
СТИР 200006254
ОКЭД 86100 тел 79 2203611

Газначилик бўлими Ўзб. Респ. МФ. Ғазначилик

х/р 23402000300100001010
банк Миллий Банк Тошкент ш.
СТИР 201122919 МФО 00014

Раҳбар _____ Х.Х. Мурашеров
М.У. _____ (имзо Ф.И.О.)

Соп: _____

Приложение к договору поставки товаров № 71-Б от 03.02.2022 г. заключенного между

поставщиком:

"Навоий Дори-Дармон" АЖ, в лице председателя правления Орзиев Гулом Ризаевич, действующего на основании Устава

с одной стороны и

Получателем:

Навоий в. фтизиатрия ва пульмонология маркази
в лице
действующего на основании

с другой стороны

СПЕЦИФИКАЦИЯ

03.02.2022 г.

1. Поставщик обязуется поставить, а Покупатель принять и оплатить следующие товары:

№	Наименование медикаментов	Ед.Изм.	Кол-во	Цена отпускная	Сумма		НДС		Всего
					Сумма	%	Сум	Сум	
1	Этанол (Спирт пищевой ЛЮКС) 96,54% ("БИОКИМО" АЖ)	кг	35,00	22 017,00	770 595,00	15%	115 589,00	886 184,00	
Всего					770 595,00		115 589,00	886 184,00	

Предоплата 30 %

Оплата оставшейся суммы спецификации производится покупателем в течении 30 календарных дней с момента отпуска товара

Итого к оплате: Восемьсот восемьдесят шесть тысяч сто восемьдесят четыре сума ²⁵ тийин

2. Настоящая спецификация составлена в двух экземплярах, имеющих одинаковую юридическую силу, по одному для каждой из сторон.

3. Подписи сторон:

Савдо ва ахборот бул бошлиги



от Поставщика

М.П.



от Покупателя

М.П.